2025 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДА ДИУРЕТИК ВА АНТИДИУРЕТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, ДОРИ ШАКЛЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАНБАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Гуломова Н.Р.

Кириш

Диуретик ва антидиуретик дори воситалари урология ва нефрология соҳасида клиник амалиётда муҳим терапевтик рол ўйнайди. Ушбу дори воситалари буйрак ва сийдик чиқариш тизими касалликларини даволашда, шунингдек, турли патологик ҳолатларда симптоматик енгиллик беришда кенг қўлланилади. Ўзбекистон фармацевтика бозорида ушбу турдаги дори воситаларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу сабабли дори воситаларининг дори шакллари, ишлаб чиқариш манбалари ва импорт ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш улушини таҳлил қилиш фармацевтик барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар

диуретиклар, антидиуретиклар, фармацевтика бозори, дори шакллари, импорт, маҳаллий ишлаб чиқариш, фармацевтик таҳлил, Ўзбекистон.

Усул ва услублар

Тадқиқот манбалари сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги буйруғи билан тасдиқланган “Асосий дори воситалари рўйхати” ва 2025 йил Давлат реестри маълумотлари асос қилиб олинди. Таҳлил жараёнида диуретик ва антидиуретик дори воситалари турлари, ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, дори шакллари ва импорт ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш улуши аниқланди. Маълумотлар йиғиш ва таққослаш усулидан фойдаланилди.

Натижалар

Таҳлил натижаларига кўра, рўйхатдан ўтган диуретик ва антидиуретик дори воситаларининг 40,9 % хорижий ишлаб чиқарувчиларга, 29,55 % МДҲ давлатларига ва 29,55 % маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тўғри келади. Дори шакллари бўйича тақсимланишда инъекция учун эритмалар ва таблеткалар етакчи (ҳар бири 47,7 %) ўринни эгаллайди, капсула шакли эса 6,8 % ни ташкил қилади. Асосий фаол моддалар сифатида торасемид, спиронолактон, маннитол ва фуросемид қўлланилган.

Импорт қилинадиган воситаларнинг асосий қисми Россия, Украина, Германия, Польша ва Туркия давлатларига тўғри келади. Маҳаллий ишлаб чиқариш улуши ошганига қарамай, маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган препаратларнинг дори шакллари турлари

чекланган. Ҳозирги вақтда рўйхатдаги воситаларнинг тахминан 70 % хорижий давлатлардан импорт қилинади, маҳаллий ишлаб чиқариш улуши эса 20 % атрофида.

Хулоса

Ўзбекистон фармацевтика бозорида диуретик ва антидиуретик дори воситалари сегменти юқори даражада импортга боғлиқлиги ва маҳаллий ишлаб чиқаришнинг чекланганлиги билан тавсифланади. Импорт улушини камайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш миллий соғлиқни сақлаш тизимида барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли учун самарали дори воситаларининг етарли даражада етишувчанлигини таъминлайди. Ушбу йўналишда маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.